

## **Koreya Meteorologiya Ma'muriyatining O'zgidrometga missiyasi**

O'zgidrometda Koreya Meteorologiya ma'muriyati bosh direktori o'rinbosari CHoy Xing Jin boshchiligidagi ma'muriyat delegatsiyasi missiyasi bo'lib o'tdi.

Missiyaning maqsadi – meteorologiya O'zgidromet mutaxassislarini malakasini oshirish sohasida hamkorlikni kengaytirish masalalarini muhokama qilish, Jahon meteorologiya tashkiloti ko'magida koreyalik hamkasblar bilan hamkorlikda amalga oshirilayotgan “O'zbekistonda iqlimiy ma'lumotlarni saqlash” loyihasi 1-bosqichining natijalarini ko'rib chiqishdan iborat bo'ldi.

Missiya davomida O'zgidromet bosh direktorining birinchi o'rinbosari B.Nishonov va loyihaning 1-bosqichini amalga oshirishda ishtirok etgan markaz mutaxassislari bilan uchrashuvlar o'tkazildi. Uchrashuvda O'zgidromet tuzilmasi va faoliyati, BMT Iqlim o'zgarishi to'g'risidagi Doiraviy Konvensiyasi bo'yicha majburiyatlarning bajarilishi hamda iqlimiy moliyalashtirish jamg'armalari bilan ishlashni muvofiqlashtirish to'g'risida taqdimotlar qilindi.

Korelik mutaxassislar Ma'muriyat faoliyati, meteorologik monitoring tizimi, erusti, dengiz va yo'ldosh kuzatuv tizimlari, iqlimiy xizmat ko'rsatish, sohadagi xalqaro hamkorlik to'g'risida gapirib berdilar. Koreya meteorologiya ma'muriyati xorijiy tashkilotlar bilan meteorologik ma'lumotlar bilan almashadi, ilmiy-tadqiqot va tajriba-konstruktorlik ishlanmalarini bajaradi, xalqaro loyihalarni amalga oshirishda ishtirok etadi. Meteostansiyadan ma'lumotlar har daqiqada olinadi va har uch soatda Jahon meteorologiya tashkiloti Jahon ob-havo xizmatining global telekommunikatsiya tizimiga uzatiladi. Mamlakat hududida meteostansiyalar zichligi 13 km da 1 stansiyaning tashkil qiladi.

Uchrashuv chog'ida O'zgidromet vakillari JMT Va KMM ko'magida amalga oshirilgan “O'zbekistonda iqlimiy ma'lumotlarni saqlash” loyihasining 1-bosqichi natijalari haqida o'rtoqlashdilar. Loyiha oldida O'zgidrometning Hidrometfondida 1867 yildan beri qog'oz shaklida saqlanib kelinayotgan ma'lumotlarni elektron shaklga o'tkazish vazifasi qo'yilgan. Loyihaning 2-bosqichini amalga oshirish masalasi ham ko'rib chiqildi.

Missiya vakillari O'zgidromet bilan keyingi hamkorlik qadamlarini belgilab oldilar. O'zgidromet tomonidan koreyalik hamkasblarga hamkorlik va ko'mak uchun minnatdorchilik bildirildi.

## **Корея Метеорология Маъмуриятининг Ўзгидрометга миссияси**

Ўзгидрометда Корея Метеорология маъмурияти бosh директори ўринбосари Чой Хинг Жин бoshчилигидаги маъмурият делегацияси миссияси бўлиб ўтди.

Миссиянинг мақсади – метеорология Ўзгидромет мутахассисларини малакасини ошириш соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш масалаларини муҳокама қилиш, Жаҳон метеорология ташкilotи кўмагида корейлик ҳамкасблар билан ҳамкорликда амалга оширилаётган “Ўзбекистонда иқлимий маълумотларни сақлаш” лойиҳаси 1-босқичининг натижаларини кўриб чиқишдан иборат бўлди.

Миссия давомида Ўзгидромет бosh директорининг биринчи ўринбосари Б.Нишонov ва лойиҳанин г 1-босқичини амалга оширишда иштирок этган марказ мутахассислари билан учрашувлар ўтказилди. Учрашувда Ўзгидромет тузилмаси ва фаолияти, БМТ Иқлим ўзгариши тўғрисидаги Доиравий Конвенцияси бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши

хамда иқлимий молиялаштириш жамғармалари билан ишлашни мувофиқлаштириш тўғрисида тақдиротлар қилинди.

Корелик мутахассислар Маъмурият фаолияти, метеорологик мониторинг тизими, ерусти, денгиз ва йўлдош кузатув тизимлари, иқлимий хизмат кўрсатиш, соҳадаги халқаро ҳамкорлик тўғрисида гапириб бердилар. Корея метеорология маъмурияти хорижий ташкилотлар билан метеорологик маълумотлар билан алмашади, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларини бажаради, халқаро лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этади. Метеостанциядан маълумотлар ҳар дақиқада олинади ва ҳар уч соатда Жаҳон метеорология ташкилоти Жаҳон об-ҳаво хизматининг глобал телекоммуникация тизимига узатилади. Мамлакат ҳудудида метеостанциялар зичлиги 13 км да 1 станцияни ташкил қилади.

Учрашув чоғида Ўзгидромет вакиллари ЖМТ Ва КММ кўмагида амалга оширилган “Ўзбекистонда иқлимий маълумотларни сақлаш” лойиҳасининг 1-босқичи натижалари ҳақида ўртоқлашдилар. Лойиҳа олдида Ўзгидрометнинг Гидрометфондида 1867 йилдан бери қоғоз шаклида сақланиб келинаётган маълумотларни электрон шаклга ўтказиш вазифаси қўйилган. Лойиҳанинг 2-босқичини амалга ошириш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Миссия вакиллари Ўзгидромет билан кейинги ҳамкорлик қадамларини белгилаб олдилар. Ўзгидромет томонидан корейлик ҳамкасбларга ҳамкорлик ва кўмак учун миннатдорчилик билдирилди.

### **Миссия Корейской Метеорологической Администрации (КМА) в Узгидромет**

В Узгидромете прошла миссия Корейской Метеорологической Администрации (КМА) во главе с заместителем генерального директора КМА Чой Хынг Джин.

Цель данной миссии - обсуждение вопросов дальнейшего расширения сотрудничества в области метеорологии, повышения потенциала специалистов Узгидромета, а также обсуждение итогов реализации первой стадии проекта ВМО/КМА/Узгидромета «Сохранение климатических данных в Узбекистане».

В ходе миссии проведены встречи с первым заместителем генерального директора Узгидромета Б.Нишоновым и специалистами Узгидромета, которые принимали участие в реализации первой фазы совместного проекта ВМО/КМА/Узгидромета. На рабочей встрече были представлены презентации о структуре и деятельности Узгидромета, о выполнении международных обязательств по Рамочной Конвенции ООН об изменении климата (РКИК ООН) и координации работы с фондами климатического финансирования.

Со своей стороны, представители КМА представили презентацию о деятельности КМА, рассказали о развитой системе метеорологического мониторинга, наземных, морских и спутниковых системах наблюдения, обеспечивающих выпуск прогнозов погоды и предупреждений об опасных погодных явлениях, а также рассказали о климатическом обслуживании, международном сотрудничестве и программе повышения потенциала специалистов-метеорологов из развивающихся стран. КМА обменивается метеорологическими данными и информацией с корейскими и зарубежными организациями, проводит научно-исследовательские и опытно-конструкторские разработки и поддерживает выполнение международных проектов. Сбор метеорологических данных от метеостанций осуществляется в ежесекундном режиме и каждые три часа метеоинформация передается в глобальную телекоммуникационную сеть Всемирной службы погоды Всемирной метеорологической организации. Сбор и обработка информации проводятся на основе собственного программного продукта COMIS. Плотность метеостанций на территории страны составляет - одна станция на 13 км.

В ходе встречи представители Узгидромета рассказали о реализованной первой стадии проекта «Сохранение климатических данных в Узбекистане», который выполнялся при поддержке ВМО и КМА. Перед проектом была поставлена задача перевода данных, накопленных в Гидрометфонде Узгидромета на бумажных носителях с 1867 года в электронный формат, что позволит сохранить и защитить исходные данные от потери и улучшит доступ к информации заинтересованных пользователей.

В процессе обсуждения результатов проекта члены миссии отметили успешность реализации данного проекта, что позволило им инициировать реализацию второй фазы проекта и выделение со стороны КМА соответствующего финансирования.

Представители миссии отметили, что Узгидромет сумел частично сохранить штат проекта, и работа по сохранению данных продолжается, обеспечив тем самым устойчивость полученных проектом результатов.

В результате работы миссии и конструктивного диалога ее участников были определены последующие шаги по развитию сотрудничества КМА и Узгидромета.

В заключении представители миссии выразили надежду на продолжение и развитие сотрудничества с Узгидрометом, представители Узгидромета поблагодарили участников миссии за поддержку и оказанное содействие в реализации проектов и обучении специалистов.



